



**Пойтахтимиздаги Маърифат
маркази очилганига беш йил
тўлди.**

НОЁБ ЗИЁ МАСКАНИ

“...Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан кучлидир...”

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2011 йил 16 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган Маърифат маркази биноси билан танишиш чоғида айтган ушбу сўзларда нақадар теран маъно мужассам.

Биринчи Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ўз ичига олган Маърифат марказида турли маданий-маърифий тадбирлар, йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар, китобхонлик кечалари ўтказилмоқда.

Мажмуа атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-яшил майсазорлар, кўркам фавворалар умумий манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроклим ҳосил қилади.

Симпозиумлар саройи ўзининг кўрку саҳобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан ноёбдир. Мазкур маҳобатли сарой ўзида миллий меъморлик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мрамор устунлар, мовий гўмбаз меъморлик бобида аждодларимизнинг асрий нъаналари давом этаётганидан далолатдир. Гўмбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Буюк Йўлбошчимизнинг ғояси асосида Симпозиумлар саройи вестибюлидаги деворларга ёқут, феруза, зумрад, ложувард, малахит (яшилтош), яшма каби ноёб, табиий ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маҳобатли икки панно шакли, нақшлари ва мазмун-моҳиятига кўра инсон тасаввури ва тафаккурининг ноёб маҳсулидир.

Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу хайрли анъана янада теран маъно-мазмун билан бойиди. Мамлакатимиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари, биринчи навбатда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янгидан бунёд этилди.

Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ кутубхона тузилмаси янгиланди, унинг бўлимлари ва хизмат кўрсатиш иши такомиллаштирилди, вазифалар кўлами кенгайтирилди.

Кутубхона энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда жаҳон талаблариغا жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими, энг янги наشريёт-матбаа ҳамда нусха кўчириш ускуналари ўрнатилган.

Музейда ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар фондидан намуналар қўйилган. Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Муҳокамат ул-луғатин”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр” асарлари, “Девон”и қўлёзмалари шулар жумласидандир. Ноёб китоб фондиди яши сақлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Болалар хонасида етти ёшгача бўлган болалар учун турли ўйинчоқлар, аквариум, ўқуқуроллари, эртақ китоблар мавжуд. Ота-оналар мутолаа қилгунча бу ерда болаларга қараб турилади. Кинозалда мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар, улуғ алломаларимиз, қадимий шаҳарларимиз ҳақидаги фильмлар намойиш этилмоқда.

Кутубхона биносида Wi-Fi тизими ишлаб турибди. Китобхон ўзи билан ноутбук олиб келиб ёки шу ернинг ўзидан ижара асосида олиб, интернетдан чекловсиз фойдаланиши мумкин. Ҳозир ҳар куни мингдан ортиқ киши бу ерда глобал ахборот тармоғидан фойдаланмоқда.

Кутубхона етти қаватли бўлиб, ер остидаги икки қават фонддан иборат. Бу ноёб фонд илгари пойтахтимизнинг уч жойида сақланган бўлса, энди марказлаштирилди. Китобларни сифатли сақлаш учун замонавий мобиль стеллаж ўрнатилди. Илгари сўралган баъзи китоб ёки газета-журнални ўқув залига келтириш учун бир-икки кун вақт сарфланган бўлса, бугун бу жараён 345 метрли телелифт ва 100 килограмм юкни кўтаришга мўлжалланган лифт воситасида 15-20 дақиқада бажарилмоқда.

Бугун кутубхона фонди қарийб 7 миллион нусхани ташкил этади. Ўтган вақт мобайнида кутубхона фонди салкам 350 минг электрон нусхадаги янги адабиётлар билан бойитилди. Бу ерда тўпланган алоҳида қимматга эга китоблар, нодир ва қадимий нашрлар, қўлёзмалар, литографиялар кутубхонанинг фахри ҳисобланади. Фондда буюк олимларимиз ва мутафаккирларимизнинг XI ва ундан кейинги асрларга оид қўлёзмалари, XVI-XIX асрларда дунёнинг кўплаб тилларида чоп этилган китоблар сақланмоқда.

...Маърифат марказида ташкил этилаётган тадбирлар рамзий маъно ва тарихий аҳамиятга эгадир. “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзуидаги халқаро конференция, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид тажриба ва ютуқларига бағишланган йирик халқаро анжуманлар, элимиз ардоғидаги инсонлар билан ёшлар ўртасидаги турли учрашувлар ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу ноёб мажмуа нафақат ўзбек миллий шаҳарсозлик мактабининг ёрқин намунаси, балки мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётгани, халқимизнинг эзгулиги ва маърифатга интилиб яшаётгани ифодаси ҳамдир. Зотан, тинчлик яловини баланд тутган, теран маънавий томирларга эга халқнинг келажаги буюк, йўли ҳамisha ойдin бўлади.

**Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси**